*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 180 (8420). 21 сентябрь, 1984 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

60

## ТЕРИМДА КЎПРОҚ ТЕХНИКАГА ВА ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ ЎЗ КУЧЛАРИГА ТАЯНАЙЛИК

## БОЛАЛАР ВА ЁШЛАР ТЕАТРЛАРИ ХАЛҚАРО УЮШМАСИНИНГ МОСКВА ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН VIII БОШ АССАМБЛЕЯСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Болалар ва ёшлар театрлари халқаро уюшмаси VIII Бош ассамблеясининг қатнашчилари ва меҳмонларини самимий табриклайман. Турли қараш ва турли эътиқоддаги, турли ижодий йўналишлардаги театр арбобларининг ўз санъатини ривожлантиришга доир муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун Совет давлатининг пойтахти Москвада учрашаётганлигидан хурсандмиз.

Театр ва хусусан болалар ва ёшлар театри ёш авлодни эстетик ҳамда маънавий тарбиялашнинг қудратли воситасидир. У дунёни билиш, бу дунёнинг гўзаллигини қадрлаш, сақлаш ва кўпайтириш учун болаларга ёрдам бериши, уларни меҳнатни, ижодни, моддий ва маънавий бойликларни яратувчиларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаши, ҳақиқат ва адолатга ишонч уйғотиши, тинчлик, инсонпарварлик ва тараққиёт ғояларини тарғиб этиши керак.

Болалар театрининг санъати планетамизнинг XXI асрида яшайдиган авлодни кўзда тутади. Ана шу аср қандай бўлажаги сиз билан бизга, болаларимизни қандай тарбия қилишимизга, уларнинг қандай маънавий бойликларни танлаб олишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Болаларимизнинг келажаги бизнинг қўлимизда. Шу боисдан ҳозирги кунда умумий тинчликни мустаҳкамлаш ва ядро уруши хавфини йўқотишдан ҳам муҳимроқ, зарурроқ вазифа йўқ. Ана шу олижаноб мақсадга эришишда болалар ва ёшлар театри фахрли ва масъулиятли роль ўйнайди. Бизнинг мамлакатимизда ёшларни тарбиялаш ҳамиша давлатнинг муҳим юмуши бўлиб келди. Совет Иттифоқи сулҳ тўғрисидаги ленинча тарихий декретидан шу кунлардаги тинчликка оид кенг кўламли ташаббусларгача, саводсизликни тугатиш йўлидаги биринчи қадамлардан бошлаб ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш бутун жараёнини янада юксак даражага кўтариши лозим бўлган мактабнинг янги ислоҳоти режаларини ишлаб чиқишгача замонавий билимларни яхши эгаллаган, ҳар томонлама камол топган, юксак ахлоқли шахсни тарбиялашдан иборат асосий мақсадни ҳамиша ўз олдига қўйиб келди.

Болалар ва ёшлар театрлари халқаро уюшмаси VIII Бош ассамблеясининг қатнашчилари ва меҳмонлари, сизлар кўпгина проблемаларни муҳокама қилишингиз керак. Анжуманингизнинг «Ёш авлодни тинчлик, инсонпарварлик ва тараққиёт руҳида тарбиялашда болалар ва ёшлар театрининг роли» деган мавзуи ижодингизнинг йўл кўрсатувчи юлдузи бўлиб қолади, деб умид қиламан.

Сизларнинг тинчлик ва дўстлик йўлида, болаларимизнинг бахтли келажаги йўлида самарали ишлашингизни, ижодий муваффақиятларга эришувингизни чин кўнгилдан тилайман.

К. ЧЕРНЕНКО.





БУКА районидаги «Партия XX съезди» колхозида «зангори кема»лар далаларга олиб чиқилди. Бригадалар ўртасидаги мусобақада Сафар Мансуров бошчилигидаги коллектив пешқадамлик қилиб келаётир. Бу бригаданинг моҳир механизаторлари Одина Ибодуллаев ва Муҳаммадсаид Қосимовлар бу йил 250 тоннадан пахта териб беришга сўз бердилар. Суратларда: бригада бошлиғи Сафар Мансуров (ўртада), механик-ҳайдовчилар Муҳаммадсаид Қосимов ва Одина Ибодуллаевлар пахтазорда; машина терими пайти.

## ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

### ЎРТАЧАСИ ЮЗ КИЛОГРАММ

◆ БЕКОБОД. Педагогика билим юрти талабалари ҳар йилдагидек бу йил ҳам пахтакорларга кўмаклашиш учун далаларга барвақт отландилар ва зўр уюшқоқлик, фидокорлик ва интизом намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам улар уйган хирмон 200 тоннадан ортиб кетди. Ўтган куни ҳар бир талаба хирмонга ўртача 100 килограммдан пахта топширди. Билим юрти студентлари мавсумда 2000 тонна пахта териш юзасидан берган ваъдаларини уддасидан чиқиш учун дастлабки кунларданоқ суръатга суръат қўшмоқдалар. Қизларой Умарова, Гўзал Усмонова, Нодира Отабоева, Маҳбуба Бозорова, Хайриниса Қозоқова сингари талабалар кунига 180—250 килограммдан пахта термоқдалар.

### ҲАЛИМАНИНГ РЕКОРДИ

◆Шу райондаги «КПСС XXV съезди» совхозининг Исмоил Бобожонов бошчилик қилаётган бригаданинг чевар теримчиси Ҳалима Отабоева рекорд қўйди. У бир кунда 300 килограммдан ошириб пахта териб, мусобақада ғолиб чиқди. Мавсум бошидан буён Ҳалиманинг хирмонга тўккан пахтаси 2200 килограммдан ошди. Унинг мусобақадоши Эргаш Султонов етакчилигидаги бригаданинг кўпмингкилограммчиси Адолат Эгамбердиева ўтган куни 226 килограмм пахта териб, ҳамкасбларига ўрнак бўлди. Бу икки дугона мавсумда 15 тоннадан пахта теришга сўз беришган.

### КУН САЙИН ОШЯПТИ

◆ ҒАЛАБА. Ўтган куни район бўйича 801 тонна пахта теришга эришилди. Бунинг 655 тоннаси «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Машина теримини уюшқоқлик билан бошлаб юборган «Победа» колхози «пўлат от» суворийлари мусобақада пешқадамликни қўлдан бермай келишяпти. Бу хўжаликда 13 та терим машинасининг ҳар бири билан ўртача 7—7,5 тоннадан «оқ олтин» теришга эришилмоқда. 19 сентябрь куни колхозда йиллик планнинг беш проценти миқдорида пахта тайёрланди.

### ҚАҲРАМОН ОНАЛАРДАН ЎРНАК ОЛИНГ!

◆ ПИСКЕНТ. «Гулистон» колхозининг пахтакорларига йиғим-теримда хўжаликда истиқомат қилаётган меҳнат ветеранлари ва уй бекалари ҳам яқиндан кўмаклашмоқдалар. Колхознинг Иброҳим Ҳайдаров бошчилигидаги бригадасида уч **«қаҳрамон она» — Марям Хайитметова, Карима Хайитметова ва Равшаной Анорқуловалар кунига 180—210 килограммдан пахта териб, барчага ибрат бўлмоқдалар.** Ҳозиргача мусобақада пешқадамлик қилаётган Марям Хайитметованинг терган пахтаси уч тоннадан ошиб кетди. Бу фидойилар мавсумда 10 тоннадан хирмон уйишга сўз бердилар.

### РОБИЯ ЎН ТОННА ТЕРМОҚЧИ

◆ ШУ райондаги Охунбобоев номли колхознинг Абдунаби Убайдуллаев бошлиқ бригадасида кўпмингкилограммчи теримчилар ҳаракати кучайиб бораётир. **Робия Тожибоева** бу мусобақада пешқадамлик қилмоқда. У ҳар куни эрта тонгда далага йўл олади. Вақтдан унумли фойдаланади. Энг муҳими сифатли пахта териш учун курашмоқда. **У кунига 220—230 килограммдан** пахта топширишга эришаётир. Кеча у терган пахта 200 килограммдан ортиб кетди.

— Мен мавсумда кам деганда 10 тонна пахта теришга аҳд қилганман, — дейди у. — Бу менинг республикамизнинг шонли юбилейига совғам бўлади.

### ҲАММАСИ ИШГА ТУШАДИ

◆ ЎРТА ЧИРЧИҚ. Район далаларида ишлатилаётган «зангори кема»лар сони кундан-кунга ортиб бораяпти. Район бўйича умумий ҳосилнинг 80 процентини териб беришга аҳд қилган механизаторлар ўз агрегатларини пухта созлаб, теримга киришмоқдалар. Бу борада Охунбобоев номли, А. Икромов номли, Ким Пен-Хва номли ва «Партия XXII съезди» колхозларининг «пўлат от» суворийлари пешқадамлик қилишяпти. Ўтган куни Охунбобоев номли колхознинг тажрибали механик-ҳайдовчиси Рустам Абдураззоқов ўн тонна пахта териб, барчага ибрат бўлди. Эртага райондаги барча терим техникалари далага чиқарилади.

### 80 ПРОЦЕНТИ «ПЎЛАТ ЭТАК»ЛАР БИЛАН

◆ ОҚҚЎРҒОН. «Коммунизм» колхози пахтакорлари йиғим-теримни кундан-кунга қизитиб боришяпти. **19 сентябрь куни хўжалик далаларига терим машиналари тўла олиб чиқилди.** Дастлабки кунданоқ хўжаликнинг Холбой Субонов, Абдулла Эргашев, Зиёдулла Шодмонов сингари тажрибали механизаторлари 5—6 тоннадан пахта териб, мусобақада пешқадамлик қилдилар. Уларнинг ҳар бири мавсум охиригача 200 тоннадан пахта териб беришга аҳд қилган. Умуман, бу хўжаликда етиштирилган ҳосилнинг 80 проценти «пўлат этак»лардан тўкилади.

ТАШАББУС БОШЛАНГАН ЖОЙДА

## ПЕШҚАДАМЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Етиштирилган мўл ҳосилни нес-нобуд қилмай ўз вақтида йиғиштириб олиш, теримни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан хайрли ташаббусни бошлаб берган Коммунистик райони меҳнаткашлари шу кунларда ўз аҳдлари устидан чиқиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ўтган куни район пахтазорларида 5084 нафар теримчилар ҳалол меҳнат қилиб, 58 тоннадан ортиқ дурдона териб бердилар.

Районда машина терими ҳам кун сайин авж олдирилмоқда. 18 сентябрь куни сифатли ремонтдан чиқарилган 80 та терим агрегати далаларда юқори унум билан ишлатилди. Жами 310 тонна пахта техника ёрдамида териб олинди. Ҳар бир машинада терилган пахта миқдори ўртача 3,7 тоннага тўғри келди. Район механизаторларининг шу кунгача терган пахталари 500 тоннадан ошиб кетди.

Йиғим-терим ишлари авж олгани сайин пешқадамлар сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Меҳнат беллашувининг олдинги сафида «Ленинский путь» колхози механизатори Бойсафар Жорқинбоев ва «Политотдел» колхози механизатори Сайфи Пирматовлар боришмоқда. Мавсум давомида 120—130 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олган бу дала суворийлари йиғим-теримнинг дастлабки кунлариданоқ ўз бункерларидан 9—10 тоннадан дурдона тўкишга эришяптилар. Районда уларнинг издошлари кун сайин кўпайиб бормоқда.

Район партия комитети ҳузурида ташкил қилинган матбуот марказида чиқарилган жанговар варақаларда ана шу илғорларнинг меҳнат натижалари ўз ифодасини топди.

Г. ТЎЙЧИЕВА.

## ОҚ ОЛТИН — ВАТАНГА

### ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 20 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун—районлар; иккинчи устун—бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Чиноз | 1,15 | 8,62 | 0,01 | 0,01 |
| Янгийўл | 0,88 | 6,85 | 0,05 | 0,05 |
| Коммунистик | 1,06 | 4,09 | 1,11 | 3,02 |
| Пискент | 0,71 | 4,09 | 0,09 | 0,09 |
| Оққўрғон | 0,83 | 4,00 | 0,28 | 0,32 |
| Бўка | 0,88 | 3,96 | 0,37 | 0,77 |
| Бекобод | 0,67 | 3,76 | 0,87 | 0,98 |
| Ғалаба | 1,29 | 3,73 | 1,19 | 2,31 |
| Ўрта Чирчиқ | 0,44 | 1,69 | 0,29 | 0,29 |
| Область бўйича: | 0,86 | 4,22 | 0,41 | 0,77 |

## ПАХТАЗОР ИЛҒОРЛАРИ





СИЗ суратда кўриб турган бу кўпмингкилограммчи теримчилар Ғалаба районидаги Киров номли ўқув хўжалигида «оқ олтин» теримида иштирок этишяпти. Матлуба Мамаюнусова (юқорида) ҳар куни 100 килограммдан ошириб пахта тераётир. Унинг мусобақадоши Раҳима Қўчқорова ҳам бўш келмаяпти. У ҳам юқори натижаларга эришиб, барчани олға бошлаяпти. Бу икки чевар теримчи мавсумда саккиз тоннадан «оқ олтин» териб беришга аҳд қилишган.

А. Абалян фотолари.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев 19 сентябрь куни Осиё ва Африка ёзувчилари уюшмасининг бош секретари Алекс Ла Гумани қабул қилди.

Дўстона суҳбат вақтида меҳмонга КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошираётган, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб нишонлашга ҳозирлик кўраётган республика меҳнаткашларининг ишлари тўғрисида сўзлаб берилди. Республика ёзувчилари ўз асарлари билан тинчлик, халқлар дўстлиги олижаноб ғояларини қарор топтиришни ўзларининг бош вазифаси деб билаётганликлари, Осиё ва Африка адиблари билан алоқаларни доимо мустаҳкамлаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Шу кунларда республика ёзувчилари ижодий союзининг 50 йиллиги кенг кўламда нишонланмоқда.

Бизнинг ёзувчилар ҳаракати қатнашчилари, деди Алекс Ла Гума, Ўзбекистон адибларининг уюшма фаолиятига қўшаётган ғоят катта ҳиссасини юксак қадрламоқдалар. Уюшма бундан чорак асрдан кўпроқ вақт муқаддам Ўзбекистон диёрида бунёдга келган эди. Биз Тошкентни ўз уйимиздек кўрамиз. Тошкент руҳи, тинчлик ва дўстлик руҳи прогрессив адибларнинг бутун планета халқлари бахт-саодати йўлидаги курашининг рамзи бўлиб абадий хизмат қилаверади.

Суҳбатда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. Азимов иштирок этди. (ЎзТАГ).

## ҲИНДИСТОН ЭЛЧИСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев Ҳиндистон Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Саид Нурул Ҳасанни қабул қилди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат вақтида меҳмон олтмиш йил мобайнида экономикани, фан ва маданиятни ривожлантиришда Совет Ўзбекистони эришган муваффақиятлар билан, республика меҳнатчилари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини қандай бажараётганликлари билан таништирилди. ССР Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан иборат олижаноб ишга Ўзбекистон ҳам ўз ҳиссасини қўшаётганлиги таъкидланди. Барча совет кишилари сингари республика меҳнаткашлари ҳам мамлакатларимиз ўртасида самарали алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга интилмоқдалар, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш учун, халқлар хавфсизлигини таъминлаш учун фаол курашмоқдалар.

Саид Нурул Ҳасан барқарор халқаро вазиятни сақлаб қолишга бўлган интилишга асосланган Совет—Ҳиндистон муносабатларига юксак баҳо берди. Давлатлар ўртасидаги ана шундай дўстона муносабатлар, ривожланаётган иқтисодий, илмий ва маданий алоқалар, деб уқтирди у, халқаро кескинликни юмшатиш ва тинчлик манфаатларига мос бўлиб тушади.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Х. Р. Раҳимов, Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министри Б. А. Абдураззоқов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

БУГУН — ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

## ЁШЛАР—МАМЛАКАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Бугун областимизда ўтказиладиган навбатдаги ягона сиёсий кун мавзуси шундай деб аталади. Ягона сиёсий кунда партия комитетларининг сиёсий докладчилари меҳнаткашлар, ўқувчи ва ишчи ёшлар билан учрашувлар пайтида партиянинг ёш авлод тўғрисида қилаётган доимий ғамхўрликлари, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) ва апрель (1984 йил) Пленумлари талабларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг комсомол ташкилотлари секретарлари Умумармия кенгашида сўзлаган нутқидан, КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва унинг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги ролини ошириш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида гапириб берадилар.

# ХАЛҚ КОНТРОЛИ

№ 9 (269)

*ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ*

## ТОЛАГА ҚАНЧА ЭНЕРГИЯ ЗАРУР?

Кейинги бир ярим йил ичида район халқ контроли комитети 72 та текшириш ва рейд ўтказди. Корхона, хўжалик ва ташкилот раҳбарларидан 94 кишига ўз вазифасига совуққонлик билан қараганлиги учун тегишли жазо берилди. Жумладан, уларнинг 34 нафарига 5860 сўмлик пул начёти солинди. Икки раҳбар эса лавозимидан бўшатилди. Хўжасизлик, қонунга хилоф равишда иш тутиш натижасида давлатнинг 740 минг сўмлик маблағи талон-тарож қилинган эди.

Меҳнат коллективларида ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, вагонларнинг туриб қолишини камайтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари исрофгарчилигининг олдини олиш муҳим вазифадир. Ўтган бир ярим йил ичида халқ назоратчилари томонидан иқтисод ва тежамкорликка қаратилган 815 та таклиф ишлаб чиқаришга жорий этилди. Натижада район бўйича 836 минг киловатт-соат электр энергияси, 840 минг кубометр табиий газ, 49 тонна бензин, кўплаб металл, хомашё ва қурилиш материаллари тежаб қолинди. Агар хўжасизликка йўл қўйилмаганда бу кўрсаткичлар янада ортиши мумкин эди.

Жумабозор луб заводида ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш юзасидан тузилган тадбирлар қоғозда қолиб кетмоқда. Очиғини айтганда ушбу тадбирларнинг бандлари аввалги йиллардагисидан тўғридан-тўғри кўчириб олинади. Шу йил январь ойида заводда бир тонна тола ишлаб чиқариш учун нормадаги 1,1 минг киловатт-соат ўрнига 2,5 минг киловатт-соат ёки бошқача қилиб айтганда 72 тонна тола ишлаб чиқариш учун нормадан ташқари 1000 киловатт-соат электр энергияси сарф қилинди. Февраль ойида ҳам ана шундай исрофгарчилик ҳоллари юз берди. Бу ерда электр энергияси ва хом ашёларни тежаб-тергаб фойдаланилишига жиддий эътибор берилмайди. Ёнилғимойлаш материалларини сақлаш талабларга жавоб бермайди.

Бундай камчиликларни Янгибозор луб заводида ҳам учратиш мумкин. Бу ерда бир тонна тола ишлаб чиқариш учун пландаги 1,4 минг киловатт-соат ўрнига 3,1 минг киловатт-соат электр энергияси сарфланганлиги аниқланди.

Район халқ контроли комитетига меҳнаткашлардан турли мазмунларда хатлар ва оғзаки сигналлар келиб туради. Уларнинг кўпларида, жойлардаги хўжасизлик, халқ мулкига хиёнат қилиш, мансабдор шахсларнинг ўз лавозимларини суиистеъмол қилишлари каби камчиликлар баён этилган. Кейинги бир ярим йил ичида меҳнаткашларнинг хатлари асосида ўтказилган текширишлар натижасида 11 кишига маъмурий жазо берилди, икки мансабдор шахсга 280 сўм миқдорида пул начёти солинди. Саккиз ходим эса ўз вазифасидан четлатилди.

Район халқ контроли комитети меҳнаткашларнинг шикоят хатларига жиддий эътибор бериб келади. Чунки улар ёрдамида жойлардаги камчилик ва нуқсонларни тезда бартараф этиш мумкин. Комитетга тушган сигналлар асосида кўрилган чоралар туфайли Юқори Чирчиқ луб заводи, «Ленинский путь» колхозининг 4-участкасида юз бераётган салбий ҳодисалар тугатилди.

1984 йил 3 февралда «Ленинский путь» колхозининг 17-бригадасига Мария Ким ишга қабул қилинди. Текшириш пайтида М. Ким 1973 йили пенсияга чиққандан бери ҳеч қаерда ишламаслиги мълум бўлди. 17-бригада бошлиғи К. Шегай эса унга апрель ойида 170 сўм, май ойида 280 сўм маош ёзган. Ведомостга М. Ким эмас, балки бошқа бир одам қўл қўйиб, пулни олиб юрган.

Бу масала колхоз правлениеси ва район халқ контроли комитетида атрофлича муҳокама қилинди. К. Шегайга ҳайфсан эълон қилиниб, колхозга етказилган моддий зарар ундан ундириб олинди. Район халқ контроли комитети колхоз раҳбарларига ҳам тегишли жазо берди.

Бугун-эрта районимизда пахта териш машиналари оммавий равишда ишга тушади. Халқ назоратчилари хўжаликларда йиғим-терим мавсумига тайёргарлик қандай бораётганлигини бир неча бор текшириб чиқдилар. Бу борада сусткашликка йўл қўйилаётган хўжаликлар қатъий контрол остига олинди, автопарклардаги халқ контроли постларининг фаолияти кучайтирилди.

Эндиликда биз назоратчилар эътиборини юбилей йили ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олишга қаратганмиз. Далаларимизда йиллик мажбуриятни қоплайдиган даражада «оқ олтин» етиштирилди. Мақсадимиз ана шу дурдонамизни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиштириб олишдир.

**Ф. ШАМСИЕВ,**
**Коммунистик район халқ контроли комитетининг раиси.**

### БУ САҲИФАДА:

- ● ЁЗДА ТЕЖАЛГАНИ — ҚИШДА ФОЙДА
- ● НАЗОРАТЧИЛАР ВА ПРОЖЕКТОРЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ
- ● ЧАНГ БОСИБ, ЗАНГ БОСИБ
- ● РАҲБАРЛАР НЕГА ЖАЗОЛАНДИ



**Бўка районидаги Карл Маркс номли колхознинг 2-бригадасида уруғлик пахта териш ишлари қизғин авж олган. Хўжалик халқ назоратчилари йиғим-терим ишлари сифатини қатъий контроль остига олганлар.**

**Суратда: (чапда) бригаданинг пахтани сифатли териш бўйича назоратчиси З. Аслиддинова ёш теримчилар У. Йўлдошева ва Г. Шапақоваларга сифатли териш усулларини тушунтиряпти.**

П. Эргашев фотоси.

*ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА*

## ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИ ЎЛДА—ЖЎЛДА

**Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ва «Главташкентстрой»га қарашли бир қатор темир-бетон буюмлари заводлари маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини муттасил бажармай келаяпти.**

**Ангрендаги 8-темир-бетон буюмлари заводи ўтган йили шартномадаги мажбуриятларни, белгиланган йиғма темир- бетон конструкцияларн тайёрлаш планини мутлақо бажармади. Шунинг учун ҳам корхонага 72 минг сўмлик жарима солинди. Лекин бу жарима завод раҳбарларига таъсир қилмади. Бу йил ҳам белгиланган миқдордаги маҳсулотлар шартномада тилга олинган корхоналарга етиб бормаяпти. Бунинг эвазига ўтган етти ой давомида завод 12 минг сўмлик жарима тўлашга мажбур бўлди.**

**Айни пайтда бошқа корхоналарга маҳсулотларни нарядсиз жўнатиш ҳоллари давом этмоқда. Жумладан, Тюмень ўрмон саноати хўжалигига 450 кубометр, Ангрен резино-техника заводига 131 кубометр, Олмалиқ гўшт комбинатига 38 кубометр, жами 76,1 минг сўмлик темир-бетон буюмлари жўнатилди.**

**Корхона раҳбарлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш устида ҳам зарур чораларни кўрмаяптилар. Етти ой давомида салкам 5 минг сўмлик маҳсулот бракка чиқиб кетди. Технологик жараёнларнинг бузилиши натижасида эса 25 минг сўмлик нокондицион буюмлар ишлаб чиқарилди.**

**Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 2-темир-бетон буюмлари заводи раҳбарлари ҳам шартнома бўйича маҳсулот етказиб бериш устидан назоратни бўшаштириб юборганлар. Етти ой давомида бу соҳада белгиланган план 98 процентда қолиб кетди. Завод бош инженери А. К. Дюскин ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш устида кам қайғурмоқда. Шу боисдан ҳам ўтган ойларда салкам 3 минг сўмлик маҳсулот бракка чиқиб кетди. Шундай аҳволни Чирчиқ бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатида, «Главташкентстрой»га қарашли 9-темир-бетон буюмлари заводида ҳам кўриш мумкин. 9-завод ўтган ойларда шартнома бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни анча камайтириб юборди. Айни пайтда бу ерда фонд интизоми ҳам бузилаяпти. Етти ой давомида фонддан ташқари 25 минг сўмлик маҳсулот жўнатилди. Тайёрланаётган маҳсулотлар сифати мутлақо талабга жавоб бермайди. Унинг бир қисми қурувчилар томонидан брак қилинди.**

**Область халқ контроли комитети темир-бетон буюмлари заводларидаги аҳволни атрофлича таҳлил қилиб чиқди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планларини муттасил бажармай келаётган, шартнома интизомини бузаётган, бракка йўл қўяётган 8-темир-бетон буюмлари заводи директорининг ўринбосари Л. Г. Лигай, Чирчиқ бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати директори Н. Бегматовга виговор эълон қилинди ва бир ойлик маошлари ҳажмида пул начёти солинди. 2-темир-бетон буюмлари заводи бош инженери А. К. Дюскинга эса виговор эълон қилинди.**

КОМСОМОЛ ПРОЖЕКТОРЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

## ҚЎШМА РЕЙДЛАР

Район «Комсомол прожектори» штабига 350 йигит ва қиз аъзо. Комсомол ташкилотларида «КП»нинг 39 та штаби ва 28 та пости ташкил этилган. Улар халқ хўжалигининг барча жабҳаларида актив фаолият кўрсатмоқдалар. Прожекторчиларимиз «Ёшларнинг ижоди ва ташаббускорлиги — сифат ва самарадорлик беш йиллигига», «Ҳамма жойда ва ҳар ерда тежамкор бўлайлик» ватанпарвалик ҳаракатларида фаол қатнашаяптилар.

Халқ контроли группаларида ҳам 490 комсомол-ёш иш олиб боряпти. Уларнинг ташаббускорлиги, камчиликларга нисбатан муросасизлиги туфайли халқ контроли группа ва постларининг иши самарали бўлмоқда. Халқ контроли органлари ва «Комсомол прожектори» нинг қўшма рейдларини ўтказиш кейинги пайтда ишлаб чиқаришда сифат ва самарадорликни ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, хўжасизлик, боқибеғамлик, мансабпарастлик каби иллатларга қарши курашда яхши натижа бермоқда. Бир йил давомида 9 та қўшма рейд ва текшириш ўтказилди. Улар асосан автотранспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, давлат план интизомига риоя қилиш ва совет савдо қоидаларининг бузилишига қарши курашга бағишланди. Ушбу рейдларда Ғазалкент сут заводи, вино заводи, тошга ишлов бериш комбинати, «Хўжакент» совхози, Товоқсой маиший химия фабрикаси ва бошқа коллективлар «Комсомол прожектори» штаби аъзолари актив иштирок этдилар.

Шу билан бирга «Комсомол прожектори» район штабининг ишида ҳали жиддий камчиликлар бор. Айрим комсомол комитетлари ва «КП» штаблари текширишлар ва рейдларнинг сонини кўпайтириш билан чегараланиб қолмоқдалар. Жойларда халқ контроли группалари билан ҳамкорликда иш олиб борилмаяпти. Буларга мисол қилиб, «Энергостройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси, консерва заводи, «Чимганстрой» тресги, нон заводи, ойна заводи, «Қизил ту» колхози, район матлубот жамияти «КП» штабларининг фаолиятини келтириш мумкин.

Ўтказилаётган текшириш ва рейдларнинг ошкоралигини таъминлаш борасида ҳам яхши иш олиб борилмаяпти. Жойларда «Комсомол прожектори» деворий газеталари, ҳажвий варақалар мунтазам чиқарилмаяпти. Ўтказилган текшириш натижалари юзасидан конкрет тадбирлар белгиланмаяпти. Камчиликларни бартараф этиш чоралари вақтида кўрилмаяпти.

«Комсомол прожектори» район штабининг, қолаверса, район комсомол комитетининг айби билан жойлардаги «КП» штаб ва постлари белгиланган план асосида иш олиб бормаяптилар. Уларнинг фаолиятлари комсомол комитетлари томонидан етарли контроль қилиб борилмаяпти.

Ҳозирги пайтда район комсомол ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Бу йиғилишларда «КП» штаб ва постларининг янги сотставлари сайланаяпти. Комсомоллар «КП» фаолиятига принципиал баҳо бериш билан бирга янги составга ишчан, ташаббускор йигит-қизларни сайлашга эътибор беришлари керак.

Район комсомол комитети «КП» штаб ва постларининг халқ контроли группалари билан ҳамкорликда ишлаши учун методик тавсиялар тайёрлаган. Бу тавсияларда «КП» группа ва постларининг жанговарлигини ошириш тадбирлари белгилаб берилган. Ана шу тавсиялар асосида прожекторчилар жойлардаги камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида кўрсатиб бериш билан бирга уларни бартараф этиш чораларини ҳам кўришлари лозим.

Бизнингча, «Комсомол прожектори» ўтказган текшириш материаллари комсомол ташкилотида эмас, балки халқ контроли группалари мажлисларида ҳам кўриб чиқилса, «КП» штаб ва постларига халқ контроли органлари томонидан ҳар томонлама ёрдам бериб турилса яхши бўларди. «Комсомол прожектори» штаби аъзолари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажаришда ҳар доимгидек кўп сонли комсомол активларига таяниб иш кўраверадилар.

**В. ХРАНОВ,**
**Бўстонлиқ район комсомол комитетининг секретари, район «Комсомол прожектори» штабининг бошлиғи.**

*ОЗУҚА ЖАМҒАРИШ ҚАНДАЙ БОРЯПТИ?*

## САБОҚ БЎЛДИ

**Комитетнинг ўтган ойда бўлиб ўтган йиғилишида бирлашма совхозларида чорва озуқаси тайёрлаш қандай бораётганлигини текширишга қарор қилинди. Ўша куниёқ бирлашма халқ контроли комитети раиси М. Худоёров, бош зоотехник Э. Камолов ва чорвачилик бўйича бухгалтер С. Раҳмонқуловдан иборат махсус комиссия тузилди. Комиссия составига актив назоратчилар ҳам киритилди.**

**Рейд бригадаси аъзолари энг олдин «Янгийўл» совхозида бўлишди. Бу ерда силос бостириш ишлари ўлда-жўлда экан. План бўйича 630 тонна силос тайёрланиши керак бўлгани ҳолда эндигина бу ишнинг учдан бир қисми бажарилибди холос. Дағал хашак тайёрлашда ҳам аҳвол шу эди. 385 тонна ўрнига 155 тонна хашак ғарамланибди.**

**Навоий номли совхозда аҳвол бундан ҳам баттарроқ эди. Белгиланганидан 127 тонна дағал хашак, 532 тонна силос, 28 тонна ўт уни кам жамғарилибди.**

**Рейд натижалари эътиборсиз қолмади. Комитетнинг навбатдан ташқари бўлиб ўтган йиғилишида чорва озуқаси тайёрлаш устидан назоратни бўшаштириб юборган «Янгийўл» совхози директори Р. Каримовга ва Навоий номли совхоз бош зоотехниги А. Ёндошевга ҳайфсан эълон қилинди. Назоратчиларга бошқа хўжаликлар бўйлаб ҳам мана шундай рейдлар ўтказиш ва камчиликларни тугатиш бўйича зарур чоралар кўриш тавсия этилди.**

**Рейдлар хўжалик раҳбарлари учун фойдали сигнал бўлди. Қишлов учун озуқа тайёрлаш ишлари шундан кейин ҳамма хўжаликларда қизиб кетди. Ҳозирги кунда У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмаси бўйича пландагидан 400 тонна кўп дағал хашак жамғарилди. Сенаж тайёрлаш ҳам анча ортиғи билан адо этилди. Хўжалик меҳнаткашлари имкониятларни ҳисобга олиб, яна 150 тонна ўт уни ва бошқа хил озуқа жамғаришга аҳд қилдилар.**

**Бирлашма хўжаликларида 21 та цех халқ контроли группаси ва 9 та пост актив иш олиб бормоқда. Назоратчилар ҳиссаси билан чорвачилик жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Чорвадорлар бу йил пландагидан 25 тонна кўп гўшт, 100 тонна кўп сут топширишга интилмоқдалар. Шу мақсадда чорва учун мўл озуқа базаси яратилмоқда.**

**А. ТИЛОВОВ,**
**Янгийўл райони.**

## ҚАРЗЛАРИ 625 ТОННАГА ЕТДИ

**Чиноз районидаги 14 та хўжаликдан 8 таси давлатга сут топшириш юзасидан белгиланган етти ойлик планни бажара олмади. 625 тонна сут кам етказиб берилди. Айниқса, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози сут топширишда оқсамоқда. Ўтган ойларда хўжаликда 145 тонна сут кам соғиб олинди.**

**Районда моллар зотини яхшилаш, соғин сигирлар бошини кўпайтириш юзасидан олиб борилаётган ишлар талаб даражасида бўлмаётганлиги учун ҳам чорва маҳсулотлари етиштиришда қолоқликка йўл қўйилмоқда. Ўтган йили ҳам район сут топшириш планини бажаролмаган эди. Ўша аҳвол бу йил ҳам такрорланмоқда.**

**Етти ойлик план 92 процентда қолиб кетди. Юқорида тилга олинган «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозида эса сут тайёрлаш етти ойлик плани 66 процент бажарилди холос. Колхозда моллар зотини яхшилаш устида ҳеч ким қайғурмаяпти. Устига устак подадаги сигирлар сони 32 процентга ҳам етмаяпти. Ҳар бир соғин сигирдан ўтган йили ўрта ҳисобда 2422 килограммдан сут соғиб олинган эди. Бу йил ҳам аҳвол шундан яхши эмас. Айни пайтда соғиб олинган сутнинг каттагина қисми бузоқларни боқишга сарфланаяпти.**

**Киров номли колхозда ҳам аҳвол яхши эмас. Ўтган ойларда пландагидан 49 тонна кам сут соғиб олинди. Колхозда ветеринария хизмати талаб даражасида ташкил этилмаганлиги учун ҳам моллар кўпинча касалликка чалинмоқда. Шу боисдан ҳам бир ярим йил ичида салкам 200 та қорамолни сўйиб юборишга мажбур бўлинди. Бу йил ҳам касалга чалинаётган моллар сони оз эмас. Буларнинг ҳаммаси колхозга катта зарар келтираяпти.**

**Область халқ контроли комитети чорва маҳсулотлари етиштиришдаги камчиликларни район раҳбарларига кўрсатди. Чорвачиликка қониқарсиз раҳбарлик қилаётганлиги учун район қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг чорвачилик бўйича ўринбосари Т. Омаровга ва бош ветеринария врачи И. Устабобоевга қаттиқ виговор эълон қилинди. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози раиси Т. Раимовага чорвачиликда йўл қўйилаётган камчиликлар маълум қилинди. Раис ўринбосари А. Мирзабоевга қаттиқ виговор эълон қилиниб, бир ойлик маоши ҳажмида пул начёти солинди. Киров номли колхоз раиси С. Шерматовга ҳам шундай жазо берилди.**

### ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## «СИФАТСИЗ МЕБЕЛЬ КИМГА КЕРАК?»

**Газетанинг 2 август сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Янгийўл мебель фабрикасида ишлаб чиқарилаётган кенг истеъмол товарлари ва айрим уй жиҳозларининг сифатсизлиги танқид қилинган эди. Шу йилнинг ўтган даврида ана шу фабрикада ишлаб чиқарилган турли мебелларнинг 1,5 миллион сўмлиги савдо шахобчаларидан қайтарилганлиги, бунинг устига фабрика омборхонасида 680 минг сўмлик моллар тўпланиб қолганлиги кўрсатиб ўтилган эди.**

**Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министри А. Х. Умаровдан олинган жавобда мақолада келтирилган фактлар тасдиқланганлиги айтилади.**

**Янгийўл мебель фабрикасида содир бўлаётган камчилик-нуқсонлар министрлик коллегиясида муҳокама қилиниб, уларни тугатиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилган. Жумладан, фабрика коллективига мамлакатимизнинг энг йирик «Югмебель» ва «Центрмебель» фабрикалари мутахассислари ишлаб чиқаришни яхшилашда ўз тажрибаларини ўртоқлашадилар. Шу йилнинг охиригача улар ёрдамида фабрикада уч турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.**

**Бундан ташқари корхона раҳбар кадрларининг составн ҳам қайта кўриб чиқилди. Бош инженер И. М. Магда, директор ўринбосари М. К. Каримов ўртоқлар вазифасидан бўшатилди. Фабрикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини назорат қиладиган техник назорат бўлими малакали мутахассис кадрлар билан мустаҳкамланди.**

**Юз берган камчиликларнинг қайтарилмаслиги учун фабрикага келтирилган хомашё ва материалларнинг сифатини назорат қилиш вазифаси ҳам техник назорат бўлими зиммасига юклатилди.**

**Шу йилнинг охиригача министрлик системасида аҳоли эҳтиёжини ҳамда мебеллар турини янгилаш заруратини ўрганиш қатъий йўлга қўйилади. Бу талаб қилинаётган янги турдаги мебеллар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни тавсия этиш ва шу билан мебелларни реализация қилишдаги мавжуд қийинчиликларни тугатиш имконини беради.**




## ЭСИЗ АСБОБ-УСКУНАЛАР

Ҳавонинг авзойи бузилиши билан ускуналар вужудини хавотирлик чулғаб олди. Область электр тармоқлари корхонаси омборида очиқ-сочиқ ётган яп-янги, ҳали ишлатилмаган электр асбоб-ускуналари ўзига хос суҳбатни бошлаб юборишди. Иттифоқо шу ердан ўтиб кетаётган Мулла Назорат уларнинг оҳига қулоқ тутди.

— Яна қор-ёмғир остида қоладиганга ўхшаймиз, — деди безовталаниб беш комплект алоқа аппаратураларидан бири. — Наҳотки бизнинг аҳволимиз ҳеч кимни ташвишга солмаса?

Унинг сўзларидан ўртада ётган трансформаторнинг энсаси қотди:

— Қизиқ гапларни гапирасан-да, оғайни? Шу ерда ўн йилдан бери чанг босиб, занг босиб ётибмиз, тўғрими?

— Тўғри!!!

— Корхона раҳбарларнинг деярли ҳар куни бизга кўзи тушади. Тўғрими?

— Тўғри!!!

— Кўзлари тушишга тушади-ю, кўрмагандек ўтиб кетаверишади-да.

— Ҳа, баракалла, — деди маъюс алоқа аппарати, — эътибор бермай ўтишадими демак, биз керак эмасмиз деявер.

— Опқоче, опқоч, — деди алоқа аппаратига бурчакда ётган ускуналардан бири. — Биласанми, бу ерда қанча-дан-қанча янги техника ётипти. Қолганини-ку қўявер, трансформаторлар, изоляторлар ва алоқа аппаратураларининг ўзи 16 минг сўмдан ошиқ туради.

— Илгари шунча баҳоланган бўлса бордир, лекин ҳозир буларнинг нархи бир пул. Ҳаммаси ишдан чиқди ҳисоб. Бундай эътиборсизлик бошлиқларнинг бошига етмаса кошкийди, — деди кимдир.

— Вой нодонлар-ей, область электр тармоқлари корхонаси директори И. Умаровнинг бошига етмоқчимисанлар ҳали. У киши сендай темир-терсакларни тонналаб йўқ қилиб юбориши мумкинку. Корхонада бизга ўхшаш бекор ётган ускуналар кам дейсизми? 1983 йил бошида 458,4 минг сўмлик ўрнатилмаган янги ускуналар бор бўлса, бу йил улар яна анча кўпайди. Шу кунга келиб эса уларнинг умумий нархи 736,7 минг сўмга етди. И. Умаровни бу ҳол зарарча безовта қилаётгани йўқ. Бизни бекор ётишимизга «Узсельэлектросетьстрой» тресги бошлиғи С. Асқархўжаев ҳам сабабчи. Чунки трестга қарашли 5-кўчма механизациялашган колонна ва махсус монтаж бошқармаси раҳбарлари электр ускуналари ўрнатиладиган объектларга туя гўшти едириб юборишяпти.

— Э, биз кўрган кунлар ҳам холва экан. Анови куни бир гап эшитиб қолдим, — деди трансформатор ўз ёнидаги ускуналар диққатини ўзига жалб қилиб. — «Узптицепром»га (директори Т. Ортиқов) қарашли Ильич номли паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмасида 1 миллион 293 минг сўмлик янги асбоб-ускуналар қалашиб ётганмиш. Аниқ маълумотларга қараганда бу ускуналарнинг 1 миллион сўмликдан ортиғи аслида бошқа хўжаликларга тегишли экану, баъзи ўртоқларнинг паришонхотирлиги орқали шу ерда ётганмиш. Боқибеғамлик деб шуни айтса бўлади.

Чинни қоринли изолятор бир ёғи учган лабини буриб кулиб қўйди-да, гапга аралашди: — Олмалиқдаги алоқа уйи ҳовлисида ҳам салкам бир миллион сўмлик янги ускуналар сочилиб ётганмиш. Бу қимматбаҳо аппаратуралар республика қурилиш министрлигига қарашли 354-кўчма механизациялашган колонна (бошлиқ ўринбосари С. Ширяев) бу ердаги алоқа уйи қурилиши муддатини чўзиб келаётганлиги туфайли бекор турипти. Мулла Назорат ускуналар оҳини тинглаб бўлгач, уларга таскин берди:

— «Дунёни сув босса ўрдакка не ғам», деган мақолни эшитгандирсизлар. Сиз номларини тилга олган И. Умаров, С. Асқархўжаев, Т. Ортиқов, С. Ширяев каби раҳбарлар ҳам сувни тўпиғларига чиқаришмайдиганлардан экан. Акс ҳолда давлат мулкини шундай аянчли аҳволда ётиши уларни ташвишга солган бўларди.

**А. РАҲИМБЕРДИЕВ,**
**Мулла Назоратнинг масъул котиби.**

ПАХТАЗОРДАН РЕПОРТАЖ

# ШИДДАТ

**БЎКА РАЙОНИДАГИ ФРУНЗЕ НОМЛИ КОЛХОЗ АЪЗОЛАРИ ТЕРИМ МАШИНАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИБ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ ЯНА БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИ — 5 ОКТЯБРГАЧА БАЖАРИШ УЧУН КУРАШМОҚДАЛАР**

...Эртаклардаги тўрт оёқли уйга жуда ўхшаш антиқа шаклда қурилаётган дала шийпонининг тўрт тарафидан шамол эсиб турибди. Шу ерга ўрнатилган сўридаги теримчи ва механизаторлар даврасида «зангори кема» дарғаси Малик Салимов қўшилди. Уни кўрган бригада бошлиғи Қундуз Аширова ошпаз олдига ўзи коса кўтариб борди.

— Маликжонга шўрвангиздан сергўштроқ қилиб сузиб беринг, — деди у ошпаз Собира Ашировага кулимсираб.

— Ҳа, тракторчингизга меҳрингиз товланиб кетибди, шунчалик экан унга алоҳида палов дамлатиб қўяқолмабсиз-да.

— Кечқурун палов ҳам қилиб берасиз. Ҳозир Маликжон атрофида парвона бўладиган пайтимиз. Нима дейсизлар, қизлар, — бригадир сўридаги теримчиларга юзланди.

— Гапингиз тўғри, — суҳбатга қўшилди теримчи Гулсанам Қурбонова. — Даларимизнинг ҳаммасини Маликжоннинг ихтиёрига бериб қўйган бўлсангиз. Биз, бригаданинг шунча теримчисига фақат у кишининг машинаси қайтадиган жойлару, қийтиқлар қолган бўлса...

Бригадир теримчининг таънаомуз гапига кулимсираб қўяқолди. Ҳақиқатан ҳам бригаданинг 61 гектар пахта майдонидан 55 гектари машина теримига ажратилган. Бу далалар трактор пуркагичлари билан дефолиация қилинди. Ғўзалар яшил либосини ташлагач, куни кеча Малик Салимов биринчи бор машинасини бодроқдек очилган пахтазорга олиб кирди. У «зангори кема»сини 50 гектарлик картанинг у бошига олиб бориб, қайтариб келиши билан бункери тўлди. Қундуз Аширова тезда хомчўт қилиб кўрди: биринчи машина теримида гектаридан салкам 30 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинаётган экан. Демак, пахта қийғос очилган, машина теримига дадил киришавериш керак. Мана, бугун эрталабдан Малик ғайрат қиляпти. Тушгача транспорт трактори механизатори Сирожиддин Аширов тўрт тележка пахта билан тайёрлов пунктига йўл олди. Пайкал четига қўйилган яна иккита тележка ҳам пахтага тўлай деб қолган.

— Маликжон, бугун ўн бункердан кам бўлмас, а,— деди бригадир шуларни ҳисоб-китоб қилар экан.

— Ўн иккитага етказсам деб турибман, — деди механик-ҳайдовчи ҳалиги эркалашлардан бироз ғурурланганлигини яширмай.

— Сизлар ҳам ғайратни бўшаштирманглар, — Қундуз Аширова теримчиларга мурожаат қилди. — Кеча Гулсанам билан бирга Хадича Эрназарова, Гулсара Тўлаевалар ҳам 170—180 килограммдан пахта терибди. Ҳамма шундай ғайрат қилса, машинада терилгани билан қўшиб ҳисоблаганда пунктга планимизнинг саккиз проценти атрофида пахта топширишимиз мумкин. Қуёш чарақлаб турган пайтда отни қамчилаб қолайлик.

Тушликка тўпланган механизатор ва теримчилар бригадирнинг нима демоқчи эканлигини англаб, яна пахтазор қўйнига отландилар.

Биз қўшни бригада далалари томон борарканмиз, ҳамроҳимиз — колхоз партия комитетининг секретари Нўъмон Оппоқхўжаев Қундуз Аширова бошлиқ коллектив ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Бу бригада колхозимизда энг илғорлардан. Ўтган йили ҳар гектар ердан 46 центнердан ҳосил олинган эди. Бу йил эса 50 центнерлик маррани кўзлашган. Пахта тайёрлаш планини 2 октябргача бажаришни мўлжаллашмоқда.

...Бу пайкал узоқданоқ қуёш нурида кумушдек товланиб кўзга ташланади. Эргаш Салимов бошқараётган «зангори кема» оҳиста чайқалиб бораётган далага яқинлашганимизда пахталар чунонам очилганидан завқланиб кетдик.

— Ерларимиз тошлоқ, — дея изоҳ бера бошлади 2-бригада бошлиғи Зоир Қамбаров. — Шунинг учун ҳам ҳосил тезроқ етилади. Ҳозир ҳар туп ғўзада 7—8 тадан очилган пахта санаш мумкин.

Бригада бошлиғи ана шундай тошлоқ ерда қандай қилиб мўл ҳосил етиштираётганликлари тўғрисида индамади. Аммо ҳосил чўғи қилинган меҳнат ҳам салмоқли, тўкилган пешона тери ҳам сероб бўлганлигидан далолат берарди. Буни механик-ҳайдовчи ҳам тасдиқлади.

— Олти эгатдан бир бункер пахта чиқяпти, — дейди у. — Ҳосил мўллиги ва яхши очилганлиги учун дастлабки куниёқ икки қаторли машинамда саккиз тонна пахта тердим. Бугун ўн тоннага етказишни мўлжаллаб турибман. Шеригим Рўзимат Азаматов тележкаларни ўз вақтида етказиб бериб турса бас.

Ҳа, дала — бункер — тележка — тайёрлов пункти конвейерида ҳозирча транспорт тракторлари энг бўш халқа бўлиб қоляпти. Колхозда 18 та пахта териш машинаси бўлгани ҳолда транспорт тракторлари бор-йўғи 15 та, тележкалар эса 41 та. Улар билан машиналарда ва қўлда терилган пахтани пешма-пеш қабул пунктларига етказиб бериш мушкул бўлмоқда. Шу сабабли айрим бригадаларда шийпонлардаги хирмонга, уватларга тўкилган пахта уюмларига ҳам дуч келдик. Уларни яна тележкаларга ортиш ва пунктга жўнатиш учун қўшимча меҳнат сарфлашга мажбур бўлинмоқда.

— Аҳволни ўнглаш учун шошилинч чоралар кўрмоқдамиз, — дейди Фрунзе номли колхоз раиси А. Қулмирзаев. — Оталиқ ташкилотлар транспорт тракторлари ва тележкалар билан ёрдамга келяпти. Ўзимиз ҳам ҳар бир транспорт трактори пахта териш машиналаридек бетўхтов ишлашини таъминлаш учун ҳаракат қиляпмиз.

Колхозда аввалги йиллар тажрибаси асосида учта терим-транспорт отряди тузилган. Барча пахта териш машиналари ва транспорт тракторлари бу отрядларга жамланган. Техника воситаларига пахтазорнинг ўзида хизмат кўрсатиш мақсадида механиклар бошчилигида учта кўчма устахона ташкил этилган.

Ўтган йили Фрунзе номли колхоз фақат Бўка райони, пойтахт областимиздагина эмас, республикада ҳам биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарган эди. **Пахтакорлар бу йил ҳам ўз олдиларига планни 5 октябргача бажариш мақсадини қўйганлар.**

**Улар 20 сентябрдан бошлаб оммавий машина теримига киришишди. 18 та «зангори кема»нинг ҳар бири билан кунига саккиз тоннадан «оқ олтин» терилиши таъминланяпти.** Бундан ташқари 420 теримчи ҳам жалб этилган. Ҳар бир теримчининг белгиланган норма миқдорида — 70 килограммдан пахта теришига эришиляпти. **Шу туфайли хўжалик кунига планнинг олти процента миқдорида пахта тайёрламоқда. Ўн кун давомида ана шундай суръат ушлаб турилади.**

— Ҳозирги долзарб кунларда меҳнат ветеранлари, пенсионерлар, уй бекалари ҳам пахтазорга чиқмоқдалар. Улар район уруш ва меҳнат ветеранлари, пенсионерларининг даъватига жавобан пахта хирмонига баҳоли қудрат ҳиссаларини қўшишга аҳд қилганлар. 60 нафар пенсионер ва уй бекаси мавсумда 500—1000 килограммдан пахта териб беришга сўз берди.

Колхоз правлениеси, партия ва касаба союз ташкилотлари пахтакор ва механизаторларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитларни яратиб бермоқдалар. 17 та бригаданинг ҳаммасида икки маҳал иссиқ овқат ташкил қилинган. Бригадалараро ҳамда механик-ҳайдовчилар ва теримчилар ўртасидаги социалистик мусобақага ҳар беш кунда якун ясалиб, ғолиблар кўчма Қизил байроқлар, вимпеллар, пул мукофотлари билан тақдирланадилар. **Дастлабки беш кунлик якунларига кўра механик-ҳайдовчилардан Малик ва Эргаш Салимовлар, Абдураҳим Дадабоев, транспорт трактори механизаторларидан Холдор Беркенов, Леонид Учкин, Ғулом Жўраев, Ғанибой Чуйбековлар ғолиб, деб топилдилар.**

Хўжалик аъзолари Ўзбекистон ССР ва республика Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейи йилида ҳар гектар ердан 45 центнердан хирмон кўтариб, Ватанга 3906 тонна юқори сифатли пахта армуғон этишга аҳд қилганлар. Яъни қабул пунктларига планда белгиланганидан минг тонна кўп «оқ олтин» етказиб бериш режаланяпти. Колхоз пахтакорлари ана шу юксак марра сари дадил, шиддат билан бормоқдалар.

**Э. ЭРНАЗАРОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

ЎТГАН ЯГОНА СИЁСИЙ КУНДА ТУШГАН САВОЛЛАРГА ЖАВОБЛАРДАН

# АМАЛИЙ ЧОРАЛАР, АНИҚ ТАДБИРЛАР

**Газетамиз редакцияси 16 августда бўлиб ўтган ягона сиёсий кун қатнашчиларидан тушган қатор саволларни тегишли партия, совет органлари, мутасадди ташкилотларга ўрганиб чиқиш ва чоралар кўриш учун юборган эди. Улардан айримларига келган жавобларни диққатингизга ҳавола қиламиз.**

**САВОЛ: чорвачилик комплекси қурилишида ёрдам берилишини сўраймиз.**

Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозининг ишчиларидан тушган бу саволга **область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С. А. КЛИМКИН**дан қуйидаги жавобни олдик:

1972 йили бу совхозда чорвачилик фермасини 600 бош соғин сигирга мўлжаллаб кенгайтириш, қўшимча бинолар қуриш, сут соғиб олиш, моллар парваришида механизмлардан фойдаланиш, фермани янги техника воситалари билан таъминлаш ҳақида тегишли қарор қабул қилинган эди. Фермани қайта қуриш ишлари 1974 йилда бошланиб, 1976 йили тугалланди. Бу ердаги қурилишларга 777 минг сўм маблағ сарфланди. Шу кунларда фермада 240 бузоқни парвариш қилиш учун яна қўшимча бино қурилмоқда.

**САВОЛ: кейинги пайтларда овқатланиш шохобчаларида кафелар кўпайиб кетди. Улардаги таомларнинг нархи қиммат. Кафелар ифлос, тайёрланаётган таомларнинг сифати талаб даражасида эмас. Бу камчиликлар қачон бартараф этилади?**

Олмалиқ шаҳри меҳнаткашларидан тушган бу саволга **СССР Рангли металлургия министрлигига қарашли Олмалиқ ишчилар таъминоти бирлашмасининг бошлиғи Д. ИВАНЯН**дан олинган жавобда қуйидагилар айтилади:

Бу масала бирлашма ходимларининг кенгайтирилган мажлисида ишлаб чиқилди.

Шу кунгача «Ветерок», «Снежок» ва бошқа қатор кафелар жорий ремонтдан чиқарилди. «Олмалиқ», «Минутка», миллий таомлар кафелари ремонти бошланди. Йил охиригача бошқа кафеларни ҳам ремонт қилиш тадбирлари белгиланди. Кафеларнинг санитария ҳолати яхшиланиб, уларда тайёрланаётган овқатларнинг сифати назорат қилинмоқда. Шаҳардаги ҳамма кафелар иккинчи категорияли ҳисобланиб, уларда тайёрланган овқатлар ва маҳсулотлар Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги тасдиқлаган прейскурант бўйича сотилмоқда.

**САВОЛ: Тошкент — Чиғириқ йўли қачон ремонт қилинади?**

Янгиобод шаҳри меҳнаткашларининг бу саволига **Тошкент магистрал автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармасининг бошлиғи Д. А. МИРБОБОЕВ**дан олинган жавобда Тошкент—Чиғириқ автомобиль йўлидаги айрим нуқсонлар тугатилганлиги айтилади. Жумладан, кўча четларидаги қуриган дарахтлар олиб ташланди, ўнқир-чўнқир жойлар текисланиб, шағал тўкилди. Автобус бекатларига йўловчилар учун майдончалар қурилди. Сентябрь ойининг охиригача яна иккита автопавильон битказилади. Кўчани капитал ремонт қилиш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари йил охиригача тайёрланиб, унда кўрсатилган ишлар 1985 йилда амалга оширилади.

**САВОЛ: 147-алоқа бўлими Янги Тошкент консерва комбинати ишчилари учун қурилган уй-жойларга алоқа хизмати кўрсатмаяпти. Бу камчилик қачон тугатилади?**

Орджоникидзе районидаги янги қурилган бу комбинат ишчиларидан тушган саволга **область алоқа ишлаб чиқариш техника бошқармасининг бўлим бошлиғи Н. ЛАТИШЕВА**дан жавоб олинди.

Комбинат ишчилари учун қурилган 6 та тўрт қаватли уй-жой биноларн подъездларига почта қутилари ўрнатилмаган эди, шу туфайли алоқачиларимиз бу ерга келишмасди. Ҳозир абонентлар учун шкафлар қурилди ва аҳолига алоқа хизмати кўрсатила бошлади.

# ОЗУҚА МЎЛ БЎЛАДИ

Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумида қишлов учун озуқа тайёрлашга жиддий эътибор берилади. Шунинг учун қиш мавсумида ҳам соғин сигирлардан мўл сут соғиб олишга эришилмоқда. Бу йил ҳам совхозда озуқа тайёрлаш қизғин боряпти. Ҳозиргача совхоз бўйича 2517 тоннадан ортиқ беда пичани тайёрлаб қўйилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан 900 тонна кўпдир. Бундан ташқари ҳандақларга 8500 тоннадан зиёд силос бостирилди. 8730 тонна сомон ғарамлаб қўйилди.

— Ем-хашак тайёрлаш совхозимизда аниқ график асосида олиб борилмоқда,— дейди озуқачилик бригадаси бошлиғи М. Ёқубов.— 4 та звено бу иш билан банд. Уларнинг бири ўриш билан шуғулланса, иккинчиси озуқани пешма-пеш фермаларга етказиб беради. Яна бир звено эса уларни жойлаштиради. Ўрим-йиғимда Р. Турсунов, Ў. Эшматов, А. Исабеков, Т. Гулметов сингари механизаторларимиз барчага ибрат бўлишяпти.

Озуқа мўл бўлганлиги туфайли сигирларнинг маҳсулдорлиги ҳам юқори бўляпти. Совхознинг Р. Акбарова, Н. Кузнецова, М. Максимова, М. Юсупова, Л. Пугачева сингари сут соғувчилари қарамоғларидаги соғин сигирларнинг ҳар биридан 2700—3500 килограммдан сут соғиб олиб, мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Озуқага тўйдирилаётган сигирлар кунига 13 килограммга етказиб сут бераётир.

**Б. МУРОДОВ,**
**ТошДУ студенти.**

# ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

## ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШ—БАРЧА КИШИЛАРНИНГ БУРЧИ

ПРАГА. Бу ерда очилган халқаро симпозиум «Ғарбдаги бир қанча мамлакатларнинг сиёсий доираларида милитаризм ва реваншизм тенденциялари хавфи» деган мавзуга бағишланган. Симпозиумнинг ишида Европадаги бир қанча давлатлардан, шу жумладан Совет Иттифоқидан келган олимлар, журналистлар қатнашмоқдалар.

Симпозиумнинг биринчи кунида сўзга чиққан кишилар таъкидлаб ўтганидек, ҳозирги кунда милитарист ва реваншчи кучлар Европанинг урушдан кейинги тузилишига очиқдан-очиқ қарши чиқмоқдалар, мавжуд чегаралардан шубҳа қилаётганликларини билдирмоқдалар. Айни вақтда Вашингтон биринчи зарба урадиган ядро қуролини Ғарбий Европада жадаллик билан жойлаштирмоқда ва бу соҳада НАТОдаги иттифоқчиларига таяниб иш кўрмоқда. Ғарбий Европа иттифоқининг қарори ғарбнинг милитаристлик ниятларини кўрсатувчи янги далил бўлди. Бу қарор ГФРнинг ўз ҳужум қуроллари — стратегик мақсадлар учун бомбардимончи авиацияни, шунингдек, олисга мўлжалланган ракеталарни ишлаб чиқариш ва жойлаштириш йўлини очиб беради.

Симпозиум қатнашчилари уқтириб ўтганидек, тинчлик йўлидаги курашга ўз ҳиссасини қўшиш, жаҳонни ядровий фалокат гирдобига ташламоқчи бўлган империалистларнинг кирдикорларини фош қилиш яхши ниятли барча кишиларнинг, шу жумладан олимларнинг бурчидир.

(ТАСС).

## ҚАТЪИЯТ НАМОЙИШИ

ДЕҲЛИ. Умумҳиндистон хотин — қизлар конгресси — Ҳиндистон миллий конгресси ҳукмрон партияси хотин-қизлар қанотининг Бангалорда бўлиб ўтган съезди уруш хавфига қарши курашни кучайтиришга бўлган қатъият намойишига айланди. Анжуман иштирокчилари АҚШнинг халқаро майдондаги агрессив йўлини, Пентагоннинг Ҳинд океани ва Жанубий Осиёдаги кирдикорларини қораладилар.

(ТАСС).

## ЛАОС ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ «ОҚ КИТОБИ»

ВЬЕНТЬЯН. Бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида Лаос Халқ Демократик Республикаси ташқи ишлар министрлигининг «Лаос—Таиланд муносабатлари тўғрисидаги ҳақиқат» сарлавҳали «Оқ китоб»и тарқатилди. «Оқ китоб»да қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда рўй берган ҳозирги кескинликка Таиланд реакциясининг милитаристлик сиёсати сабаб бўлди. Таиланд реакцияси Ҳинди-Хитой мамлакатларидаги революцион жараёнга путур етказиш учун уринаётган Америка империализми ва Хитой гегемонизми қўлида қурол бўлиб хизмат қилмоқда. Бангкок империализм ва гегемонизм кучларининг айтганини бажариб, ЛХДРга қарши қуролли иғвогарликларни уюштирмоқда, Таиланд территориясида жойлашган ва янчиб ташланмаган полпотчи шайкаларни қўллаб-қувватламоқда. Таиланд қуролли кучлари бўлинмаларининг Лаосдаги Саябури вилоятининг аҳоли яшайдиган уч пунктини қонунга хилоф равишда босиб олганлиги ЛХДР суверенитети ва территориал бутунлигини қўпол равишда бузиб, халқаро жамоатчиликка дағдаға қилишдан бошқа бир нарса эмас.

Бундай ҳаракатларнинг ҳаммаси, деб уқтириб ўтилади ҳужжатда, жануби-ғарбий Осиёда тинчлик ва осойишталикни хавф остида қолдиради, Ҳинди-Хитой мамлакатлари билан АСЕАН давлатлари ўртасида конструктив мулоқотни янада ривожлантиришга зарар етказади.

ЛХДР ҳукумати, деб таъкидлаб ўтилади «Оқ китоб»да, Таиланд билан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга астойдил интилмоқда ва давлатлар ўртасидаги барча низоли масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тенг музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этишга доим тайёр эканлигини билдиради.

(ТАСС).

## ЛИБЕРАЛЛАР ПАРТИЯСИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

**ЛОНДОН.** Борнмут шаҳрида Буюк Британия либераллар партиясининг ҳар йилги конференцияси бошланди. Конференция иштирокчилари мураккаб партия ички проблемаларини, жумладан сайлов олди иттифоқдаги шериги — социал-демократик партияга муносабатни муҳокама қилишлари лозим. Бу партиялар ўртасида ҳарбий-сиёсат масалаларидан тортиб, то турли сайловларда номзодларни биргаликда кўрсатиш принциплари масаласида зиддиятлар мавжуд.

(ТАСС).

## СЪЕЗДГА ТАЙЁРГАРЛИК

**ГАВАНА.** Бу ерда Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. «Гранма» газетасининг хабар қилишича, мажлисда Куба коммунистларининг келгуси йил ўтказиладиган III съездига тайёргарлик, партия олий анжумани ҳужжатларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар кўрилган.

(ТАСС).

## ОММАВИЙ ҚИРҒИН УЧУН ТЎЛА ЖАВОБГАРДИРЛАР

БЕРЛИН. Исроил маъмурлари ва уларнинг асосий ҳомийси бўлган АҚШ маъмурияти бундан икки йил муқаддам фаластинлик қочоқларнинг Сабра ва Шатила лагерларида аёллар ва болаларнинг кўплаб ўлдирилганлиги учун тўла жавобгардирлар. Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг эълон қилинган баёнотида шу ҳақда гапирилади. Сионистлар ва империалистлар агрессия сиёсатини биргаликда ўтказаётганлиги, шунингдек, мустамлакачилар араб ерларини босиб олганлиги натижасида Фаластин ва Ливан аҳолисига нисбатан шундай қирғинлик ва бошқа мудҳиш жиноятлар қилинди. Бу — халқаро ҳуқуқни қўпол равишда бузади, Яқин Шарқда ва бутун жаҳонда тинчликни катта хавф остида қолдиради.

Совет Иттифоқи Яқин Шарқ проблемаларини кенг кўламда ва адолатли ҳал этишга эришмоқ учун манфаатдор барча томонларнинг, шу жумладан Фаластин озодлик ташкилотининг иштироки билан Яқин Шарқ масаласига бағишлаб халқаро конференция чақиришни таклиф этган эди, дейилади баёнотда. Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси Совет Иттифоқининг бу таклифини қўллаб-қувватлайди, деб таъкидланади баёнотда.

## ДАМАШҚДА ХАЛҚАРО ЯРМАРКА

ДАМАШҚ. (ТАСС). Сурия пойтахти Дамашқда 31-халқаро ярмарка очилди. Ярмаркада Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги кўпгина давлатларнинг вакиллари иштирок этмоқдалар. Анъанага кўра Совет Иттифоқининг экспозицияси Дамашқ ярмаркасида марказий ўринлардан бирини эгаллаган.

Сурия Араб Республикаси экономика ва ташқи савдо министри С. Ёсин ярмарканинг очилишида нутқ сўзлаб, Суриянинг социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатлар билан савдо — иқтисодий алоқалари муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. У мана шу алоқаларни бутун чоралар билан ривожлантириш ва кенгайтириш кераклигини ёқлаб гапирди.

## ТУРКИЯДА ЕР ҚИМИРЛАДИ

АНҚАРА, 19 сентябрь. (ТАСС). Шимоли-Шарқий Туркиянинг районларида қаттиқ ер қимирлади. Истамбул сейсмик хизмат маҳкамасининг хабар қилишича, ер силкинишининг кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,4 баллга етган. Эрзурум вилоятидан олинган маълумотларга кўра, регионадаги 20 та аҳоли пункти ер қимирлашдан катта моддий зарар кўрган. Кўплаб кишилар ўлган ва жароҳатланган. Офат юз берган районларга дори-дармон, озиқ-овқат юборилмоқда ва бошқа зарур ёрдам кўрсатилмоқда.



**Миср археологлари Қоҳира яқинидаги қадимий тош сағаналар яқинида кўп метрли қум қатламлари остида фиръавн Рамзес II амалдорларининг мақбараларини топдилар. Суратда: мақбаралардаги бу ёзув ва суратлар олимларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотмоқда. Улар Миср қудрати ортган даврдаги муҳим воқеалар ҳақида ҳикоя қилади.**

**Ю. Тиссовский** фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

# САБЗАВОТЧИЛАР РАПОРТИ

Жданов номли колхоз Бўстонлиқ районидаги сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилган йирик хўжаликлардан ҳисобланади. Колхоз сабзавоткорлари илғорлар иш тажрибасидан унумли фойдаланиш эвазига беш йилликнинг дастлабки уч йили мобайнида давлатга 30 минг 419 тонна сархил сабзавот етказиб бериб, планни 130 процентга адо этдилар. Айниқса, ўтган йилги ютуқлар қувончли бўлди. Жами 10 минг 76 тонна маҳсулот етиштирилиб, давлатга 1 миллион 861 минг 746 сўмлик сархил сабзавот сотилди. Натижада хўжалик бўйича 628 минг 713 сўм соф фойда олинди, колхозчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 239 сўмдaнга тўғри келди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олишга аҳд қилган хўжалик деҳқонлари бу йил астойдил меҳнат қилмоқдалар. Шу боисдан улар районда биринчи бўлиб давлатга сабзавот сотиш планини ортиғи билан бажариш шарафига сазовор бўлдилар. Қабул пунктларига 8100 тонна ўрнига 8200 тоннадан ортиқ маҳсулот етказиб берилди. 44 гектар ерга экилган эртаги карамнинг ҳар гектаридан 291 центнер ўрнига 353 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. 113,7 гектар майдондан 4000 тонна помидор, 113,4 гектар ердан 2500 тонна пиёз топширилди.

Хўжалик миришкорлари эришган ютуқларга Сарибой Иброев етакчилик қилаётган бригада аъзолари, айниқса, катта ҳисса қўшдилар. Бригада коллективи ҳозиргача пландагидан 143 тонна кўп маҳсулот сотди. Шунингдек, Турсунбой Туймекулов, Исроил Убайдуллаевлар раҳбарлигидаги бригадалар деҳқонлари ҳам ўз зиммаларидаги план-топшириқларни зиёдаси билан ўринлатдилар.

Колхоз сабзавоткорлари айни кунларда ялпи маҳсулотни 11 минг тоннага етказиб мажбуриятни ҳам ортиғи билан бажариш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар.

**Н. ҚАЮМОВ,**
**А.ИБРОҲИМОВ.**

# 20 ШОГИРДГА УСТОЗ

Валентина Никифировна Кострамицина қирқ йилдирки, дастгоҳлар билан тиллашади. У дастлаб «Ташсельмаш» заводи, «Узгипрогаз» институти босмахоналарида ишлаб, ҳурмат-эътибор қозонди. Ҳозир жонкуяр матбаачи республика аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг босмахонасида хизмат қилмоқда.

Кўп йиллик меҳнати жараёнида у 20 нафар шогирд тайёрлади. Улардан анчагинаси ҳозир меҳрибон мураббийлар сифатида танилган. Ана шундай ишчан жонкуяр устозлар сафида Л. Воротникова, А. Малина, М. Маслова, Л. Суликовалар ҳам бор.

**Ў. ХОЛБОЕВА.**

# «ҚОРА ОЛТИН» ЭШЕЛОНЛАРИ

Ангрен шаҳар саноат корхоналарида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган социалистик мусобақа тобора қизияпти. Қутлуғ сана яқинлашган сари ишчи-хизматчиларнинг ғайрат-шижоати янада авж олмоқда. Бу ватанпарварлик ҳаракатида фаол қатнашаётган қатор ишлаб чиқариш коллективлари меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

9-шахта коллективи ана шундай пешқадамларнинг бири ҳисобланади. Кончилар юбилей йилида жуда самарали ишламоқдалар. Зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ой сайин тўла ва ошириб адо этмоқдалар. Ҳар куни қўшимча юзлаб тонна кўмир қазиб чиқаришяпти. Шунинг учун ҳам уларнинг йил бошидан бери пландагидан ташқари қазиб чиқарган «қора олтин»лари миқдори 20 минг тоннага яқинлашиб қолди. Республикамиз халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун қўшимча эшелон-эшелон кўмир жўнатилди.

Коллектив фаолиятининг бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳам муттасил ортиб бормоқда. Маҳсулот реализация қилиш плани салкам 110 процент қилиб адо этилди. Айниқса, кўмир таннархини камайтиришда дуруст натижаларга эришилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, иш шароитларини енгиллаштириш, илғор иш усулларини ва тажрибани қўлланиш, кончиларнинг касб маҳоратини ошириш юзасидан кўрилаётган тадбирлар самараси маҳсулот таннархининг ҳам анча пасайишига таъсир қилмоқда. Ҳозирги вақтда шахтада ҳар бир тонна «қора олтин»ни қазиб чиқариш учун сарфланаётган харажат белгиланганидан 23 тийин кам бўляпти. Ирмоқлардан дарёлар пайдо бўлганидек, тийинлар қўшилиб, каттагина маблағни ташкил этмоқда. Шу йўл билан тежаб қолинган пул миқдори 200 минг сўмликни ташкил этди.

Шахта коллективи эришаётган бу ютуқларга йил бошидан бери меҳнат беллашувида пешқадамлик қилаётган биринчи участка коллективи муносиб ҳисса қўшмоқда. Бўлинма шахтёрлари шу йилнинг ўтган ойларида пландагидан ташқари салкам 5 минг тонна ёқилғи қазиб чиқардилар. Бу участканинг Ленин ордени кавалери, донгдор кончи, меҳрибон мураббий Абдураҳмон Маматов етакчилик қилаётган бригадаси коллективининг меҳнат зафарлари салмоқли бўлмоқда. Бригадада ишни пухта ташкил этиш, ишлаб чиқариш интизомига қатъий амал қилиш, кончиларнинг «Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун» шиори остида меҳнат қилиши шунга олиб келмоқда. Йил бошидан бери коллективнинг пландагидан ташқари қазиб чиқарган кўмири 3 минг тоннага яқинлашиб қолди.

Шунингдек шахтанинг М. Садетов ва Н. Юртаевлар каби тажрибали кончилари бошчилигидаги бригадалар коллективлари ҳам унумли ва сифатли ишлашда кўпчиликка намуна бўлмоқдалар. Улар ҳар сменада қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга эришмоқдалар. Шунинг учун ҳам М. Садетов раҳбарлигидаги коллективнинг йил бошидан бери пландагидан ташқари қазиб чиқарган ёқилғиси 2700 тоннадан ошиб кетди. Н. Юртаев раҳбарлигидаги коллектив кончилариники эса пландагига нисбатан 2 минг тоннага яқин кўп бўлди.

Шахта кончилари шу кунларда ҳам зарбдорчасига меҳнат қилмоқдалар. Улар қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш ва қутлуғ юбилейни юксак меҳнат натижалари билан нишонлаш учун мусобақа байроғини кун сайин баланд кўтармоқдалар. Бунда ишлаб чиқариш пешқадамлари ҳамон олдинда боришяпти. Ўзларининг самарали меҳнатлари билан коллектив ютуқларига салмоқли улуш қўшиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

**М. МУҲАМЕДОВ.**

